
ОВОЗ БЕРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар Қувасой шаҳрида қизгин давом этмоқда.

Ҳозирга қадар овоз бериш жараёнида сайлов қонунчилиги бузилишига оид ҳолатлар қайд этилмади.

Барча сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 5-моддасига биноан сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлиши тамойилига амал қилинмоқда.

22 декабрь, 16.30 га қадар сайловчиларнинг 77,8 фоизи овоз берди.

Қувасой шаҳридаги барча сайлов участкаларида овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2019-12-22 16:45:35